



СССР УЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 1 (19.377).

1986 йил 1 январь, чоршанба

Баҳоси 3 тийин.

СОВЕТ ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ МУРОЖААТИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари

М. С. ГОРБАЧЕВнинг

Совет телевидениеси орқали сўзлаган нутқи



Азиз ўртоқлар!
Бир неча дақиқадан сўнг Кремль курантлари Янги йил бошланганлигидан дарак беради. Бу ҳақиқатдан ҳам шундай. Тугаб бораётган 1985 йил астойдил меҳнат, орзу-умидлар ва истиқболни кўзловчи дадил режалар йили бўлиб хотирамизда қолади, деган фикрга қўшилсанлар, деб ўйлайман.

Ҳамма нарса меҳнат билан бошланади, дейдилар. Ҳаётда ҳақиқатдан ҳам шундай. Тугаб бораётган 1985 йил астойдил меҳнат, орзу-умидлар ва истиқболни кўзловчи дадил режалар йили бўлиб хотирамизда қолади, деган фикрга қўшилсанлар, деб ўйлайман.

Йил бошида биз халқ ҳўжалигида қандай қийинчиликларга дуч келганлигимизни ҳаммамиз яхши эслаймиз. Ишларни ўнглаб олиш ва йилни экономикада умуман дуруст натижалар билан тугаллаш учун бутун партиянинг, бутун халқнинг ғоят зўр куч-ғайрат сарфлашига тўғри келди. Ўтган йил—яна ҳам яхши, яна ҳам адолатли, маънавий бой турмуш, унинг социалистик асослари ва принципларини янада мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида биз ҳаммамиз биргаликда бажарган жами ишлар йилдир.

Тугаётган йил биз учун жуда ибратли, воқеаларга тўлиб-тошган йил бўлиб, бу воқеалар вақтининг ўтишини жадаллаштирсандек бўлди. Биз катта ишларга зўр ғайрат, баланд руҳ билан киришдик. Ҳозир биз ўз иқтисодий яратилишимизни равшанроқ кўриб турибмиз ва эришган ютуқларимизга ҳамда келгусида муваффақиятлар билан раҳбариямизга реалистик баҳо беряпмиз. Биз социалистик тузумнинг ғоят катта потенциалидан тўла фойдаланишни истиаймиз. Гап жамиятнинг сифат жиҳатидан ўзгартириш ва экономика, маданият, социал ҳаётнинг хуллас, ҳаётнинг барча томонларини такомиллаштириш йўлидан шитоб билан дадил олга ҳаёқат қилиш тўғрисида бормоқда.

Аммо, азиз ўртоқлар, биз Коммунистик партия Марказий Комитетининг апрель Пленуми белгилаб берган йўлнинг бошланғичидан, ҳоло, Айтишим мумкинки, мураккаб ишларнинг, катта ўзгаришларнинг энг бошланғич даврида турибмиз, булар биздан яна ҳам кўпроқ қатъият, фидокорлик, ўз умрини яшаб

бўлган ҳамма нарсалардан, эсинча фикрлашдан, олатдаги, аммо ҳозир бефойда схемалар ва ёндашувлардан қўчимай воз кечишни талаб этмоқда. Ҳозир бизга юксак иқтисодий активлик, ижодий меҳнат, қамчиликларга нисбатан муросасизлик, давр бунёда келтириётган янги, илғор нарсаларнинг ҳаммасини қатъиян қўллаб-қувватлаш, айнаса зарур.

Социализм халқ томонидан ва халқ учун яратилди, бу эса унинг моҳиятидир. Социализм кучининг манбаи — омманинг жонли ижодкорлигидир. Коммунистик партия бизнинг барча ишларимиз ва ташаббусларимизга аини шу позицияларда туриб ёндашмоқда. Партия Марказий Комитети ва Совет ҳукумати кейинги вақтларда амалга ошириётган иқтисодий ҳамда сиёсий чора-тадбирларни бутун халқ актив қўллаб-қувватлаётганлигини сезмоқдалар. Биз бу маданий юксак қадарлаймиз, бу ҳол зиммамизга кўп мажбурийат қўлади. Бизнинг ташаббусларимиз, янада турган жамиятимизни такомиллаштириш йўлидан бундан буюн ҳам қимматли ишлар билан ҳаракат қилиб боришга илҳомлантиради.

Кўриб келаётган 1986 йил янги, ўн иккинчи беш йиллиқни бошлаб беради. Мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришнинг жадаллаштириш борадаги кўпгина ҳаётий муҳим вазифаларни ҳал этишини биз шу беш йиллик билан боғламоқдамиз.

Ленин партиясининг бўлажак XXVII съезди — йилнинг бош сиёсий воқеасидир. Ҳозир съездолди ҳужжатларининг умумхалқ муҳомамаси давом этмоқда. Совет кишилари йилгишларда ва Марказий Комитетта йўлга қўйилган ҳаётларда мамлакат ишлари тўғрисида, бизга ҳаёқат бераётган нарсалар ҳақида, нималар қилиш кераклиги тўғрисида омиликорлик билан рўй-рост, ошқора гапирмоқдалар, олиб борилаётган йўлга қатъият ва зўр ғайрат билан амал қилишга даъват этмоқдалар. Ҳозирги кунда биз ҳамма нарсани ўз номи билан атамоқдамиз: муваффақиятнинг — муваффақият, қамчиликни — қамчилик, ҳатто — ҳато демоқдамиз. Танабурулик ва хотиржамликнинг ишончли давоси, ақиллик билан ижодий вазиятда янги муваффақиятлар, янги ютуқлар сари, турмушнинг янги сифати, социал-иқтисодий ва маънавий ривожланишнинг янги чуққилари сари бораверилишнинг тўғри йўли мана шундир.

Тугаган йилда биз фашизм устидан қозонилган Буюк Ғалабанинг 40 йиллигини ни-

шонладик. Халқимизнинг муқаддас уруш йилларида кўрсатган жасорати тўғрисидаги хотира бизнинг онгимиздагина эмас, шу билан бирга қалбимизда ҳам яшамоқда. Ушбу оғир даврдаги жудодилларнинг қайғу-алами ҳам жаҳонда янги фожиа энди ҳеч қачон, ҳеч вақт бошланмаслиги учун ҳамма ишни қилиш мажбурийатини зиммамизга юклямоқда.

Коммунистик партия Марказий Комитети ва Совет ҳукумати совет халқининг ҳоҳиш-иродасини ифода этиб, тинчлигини сақлаб қолиш, ядро уруши хавфининг олдини олиш, ўнглаб бўлмас фожиага йўл қўймаслиги учун ҳамма ишни қиладилар.

Бугунги дунё мураккаб ва хилма-хилдир. Совет Иттифоқи ўз сиёсатида ердаги одамлар ядро асида битта кемададир, деган фикрга асосланмоқда. Ёнобарит, шу кемадан ҳарбий авантюризм билан ларзага солиш ниҳоятда масъулиятсиз ишдир. Бизнинг давриямизда ҳаётнинг ўзи сиёсий енгилтақлиқини рад этмоқда. Шу билан ҳам Совет Иттифоқи, бошқа социалистик мамлакатлар ишни тинчлик сари, халқаро муносабатларни соғломлаштириш, бу муносабатларга маърифатли XX аср одамларига ҳос маданийликни бағишлаш сари сабот билан олиб бормоқдалар. Низолардан устун бўлиш, бутун куч-ғайратни ҳамжиҳатлик, ишонч ва қўрсонилиш йўлида ишлаб топишга бўйсундириш керак.

Бошланаётган йилни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тинчлик йили, деб эълон қилган. Биз Совет Иттифоқидагилар шу Тинчлик йили тинч ўн йилликларга айланиши, инсоният XXI асрга тинчлик, ишонч ва ҳамкорлик шароитида қадим қўйиши тарафдоримиз.

Азиз ўртоқлар! Социализм тонтотарида Владимир Ильич Ленин «Совет давлатини кура бошлаш, шу билан бутун жаҳон тарихининг янги даврини... бошлаш»ни бахт, деб атаган эди.

Бу — машаққатли бахт бўлган эди ва шундай бўлиб қолмоқда. Бизнинг тарихимиз, ҳаётимиз ва курашимиз — бутун инсониятнинг тарихи, ҳаёти ҳамда тинчлик ва социал тараққиёт йўлидаги курашнинг ажралмас қисми эканлиги билан бахрланамиз. Биз янги жамият сари ҳеч қим босиб ўтмаган йўлнинг нашофлари бўлганимиздан, шу йўлдан муносиб ва қимматли ишлар билан бораётганлигимиздан бахрланамиз!

Биз янги йилни кутиб ола туриб, дўстларимиз ва иттифоқчиларимизга, социализм мамлакатларининг халқларига самийий кутловларимизни йўлаймиз! Уларга янги ҳаёт қўрилишида бундан буюн ҳам муваффақиятлар тилаймиз.

Биз дўст давлатларнинг халқларини, оламнинг барча мамлакатларидаги синфдош ўртоқларимизни кутлаймиз.

Биз Ер юзидagi барча халқларга тинчлик, бахт-саодат ва равақ тилаймиз!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети номидан барча совет кишиларини, Буюк Ватанимиз халқларининг ақил оиласини кириб келаётган Янги йил билан қизғин ва сид қилишдан муборакбод этаман!

Ишчилар синфи, қолхози деҳқонлар, халқ зиёлиларини, уруш ва меҳнат ветеранларини Янги йил билан кутлайман!

Халқимизнинг тинч меҳнатини, Улуғ Октябр ғалабаларини пухта қўриқлаётган совет жангчиларини Янги йил билан кутлайман!

Шу дамба меҳнат вахтаси ва жангвор вахтада турган, жонажон ермишдан олсиди ишлаётган барча кишиларини Янги йил билан кутлайман!

Келинг, бир-биримизга бошланаётган йилда орзуларимиз рўёбга чиқишини, Янги йил янги-янги муваффақиятлар, ижодий меҳнат, мустаҳкам тинчлик ва яхшилик томон ўзгаришлар йили бўлиб қолишини йўлайлик. Бу йил ҳар бир хонадонда, ҳар бир оилада шодхурамлиқ ва бахт-саодатга бой йил бўлиб қолсин!

Азиз ўртоқлар! Янги йилнингиз кутлуг бўлсин!



Рассом М. АБЛАМОВ плакати.

ТИЛАКЛАРИМ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ШОИРИ,
СОЦИАЛИСТИК МЕХНАТ
ҚАҲРАМОНИ

Янги йил турибди зафарга ундаб,
Меҳнатга, ижодга, ғайратга чорлаб.
Нурли истиқболга ишончимиз зўр,
Келажак кўринар қўшдек порлаб.

Йиллар ўтиб кетар йиллар ортидан,
Аммо мангу қопар қилган ишимиз.
Ватанга зеб берад, қудрат бағишлар
Ўз меҳнати билан ҳар бир кишимиз.

Кўп бўлар орзулар, яхши ниятлар,
Тилаклар, умидлар йили йилда ҳам.
Коммунистик ахлоқ, муқаддас ғоя
Гул очсин тобора онгда, дилда ҳам.

Яхшилар доимо иззатда бўлсин,
Болалар унғайсин, чаманлар ўссин.
Турмушимиз яна бўлсин фаровон,
Саҳролар юзюда чечаклар кўлсин.

Ҳалол меҳнатимиз, ҳимматимиздан
Далалар яшасин, гуллосин боғлар.
Батамом йўқолсин ҳаётимиздан
Безиз бир ярамас иллатлар, доғлар.

Махсули мўл бўлсин ҳар кунимизнинг,
Беҳуда ўтмасин қадри зўр чоғлар.

Ҳар ерда мустаҳкам интизом бўлсин,
Ғайрат кўрсатайлик, азиз ўртоқлар.

Инсонлар дунёга яшамок учун,
Меҳнат, ижод қилмоқ учун келади.
Ҳаёмон эсимизда дахшатли уруш,
Саноқсиз одамни қонга белади...

Уруш чиқариши мумкин янгидан
Эҳтиёт бўлмасак отилган бир ўқ.
Йўл қўйиб бўлмайди урушга асло!
Атом урушига мутлақо йўл йўқ!

Тинчлик душманлари жуда ҳам айёр,
Уруш бошламоқчи ғафлатда қолсак.
Евуз ниятга етолмас ёшлар
Дахшат, фалокатнинг олдини олсак.

Ер юзюда тинчлик сақлашур абад,
Тинчликсеварларнинг қатъий қарори!
Домо бор бўлсин башарнинг бахти,
Абадий яшасин олам баҳори!

Халқимиз боради келажак томон,
Коммунизм сари бошланган йўлдан.
Партия ишига содиқ халқимиз
Ленин байроғини туширмас қўлдан!

ЯНГИ
ЙИЛИНГИЗ
КУТЛУГ
БЎЛСИН!

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎРТОҚ С. М. БАХРОМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МИНИСТРИ ЭТИБ
ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилди:

Ўртоқ Саиджалол Маҳмудович Баҳромов Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министри этиб тайинлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари

О. САЛИМОВ.
Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри.
1985 йил 30 декабрь.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎРТОҚ И. В. ЧИРГАДЗЕГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА
ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЭКОНОМИСТ» ФАХРИЙ
УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика план органларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун Ўзбекистон ССР Госплани раисининг ўринбосари ўртоқ Игорь Владимирович Чиргадзегга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган экономист» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари

О. САЛИМОВ.
Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри.
1985 йил 30 декабрь.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎРТОҚ У. РАҲИМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ИЧКИ
ИШЛАР МИНИСТРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилди:

Ўртоқ Учқун Раҳимов Ўзбекистон ССР ички ишлар министри этиб тайинлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари

О. САЛИМОВ.
Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри.
1985 йил 31 декабрь.

ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМЛАРИГА—МУКОФОТЛАР

КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель ва октябр Пленумларининг қарорлари совет олимлари олиб бораётган илмий изланишга янги ижодий омил бағишлади. Ана шу Пленумларнинг қарорлари мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришнинг кескин жадаллаштириш сари тўб бурилишни бошлаб берди. Партия фан-техника тараққиётининг ортис бораётган ролини шу вазифани ҳал этишининг бош воситаси деб атади. Республиканинг илмий-техник зиёлилари ҳам бирмунча активроқ ишлаб бошладилар. Тадқиқотчиларнинг бир гуруҳига фан ва техника соҳасида Беруний номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари берилганлиги улар хизматининг эътироф этилиши бўлди.

31 декабрь кунини Ўзбекистон Компартияси Марказий

Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев олимлардан бир гуруҳига Беруний номидаги Давлат мукофоти лауреатларининг дипломлари ва Фахрий нишонларини топширди. У олимларни юксак мукофот билан самийий муборакбод этиб, уларга янги йилда катта ижодий муваффақиятлар тилади, республика олимлари ўртага қўйилган вазифалар даражасида бўладилар, илм-фанни янги кашфиётлар билан бойитадилар, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш учун бутун кучларини сарфлайдилар, КПССнинг XXVII съездини муносиб кутуб оладилар, деб ишонч билдирди. Экономикани фан-техника револю-

циясининг ютуқлари сари жадаллик билан буриб юбориш интизоми, ушшоқлик ва тартибни мустаҳкамлаш соҳасида ҳам худди шундай қатъий чораларни талаб қилиши қайд этиб ўтилди. Ҳар бир олим, тадқиқотчи, конструкторнинг ўз жойида ишга ҳақиқатан ҳам масъулиятли муносабатда бўлиши ҳозирги асосий вазифадир.

Республика Фанлар академияси Математика институти ва В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университети коллективни бажарган ишлар туркуми Беруний номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти билан таъдирланди. Бу ишлар туркуми математиканинг фунда-

ментал ва амалий масалаларига бағишланган. Ўзбек математиклари сизот сувларнинг ҳаракати билан боғлиқ вазифаларни муфассал тадқиқ қилдилар, бу эса мелиораторлар ва ирригаторлар учун катта амалий аҳамиятга эга. Ҳосилдорлиқни, фазик ва химиявий реакцияларни бошқариш каби ақтуал вазифаларни ҳал этишининг бир қатор янги математик методлари ҳам тақлиф қилинди.

Биохимия институти олимлари коллективни бажарган «Хужайра метаболизмининг цикл нуклеотидлари ва гормонлар регуляцияси» деган иши медицинанинг, биохимиянинг ва биотехнологиянинг янги

йўналишларини ривожлантиришга қўшилган ҳисса-да. Беруний номидаги мукофотта сазовор бўлган бу асарнинг кўпгина қондалари медицина муассасаларида жорий қилинди, кишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқаришида қўлланилмоқда.

Ўзбекистон археологларининг ишлари жамоатчилигининг кенг эътирофига ва юксак баҳосига сазовор бўлди. Уларнинг тадқиқотлари Ўрта Осиё цивилизацияси тарихига янгича назар ташлаш, унинг жаҳон умумбашарий маданиятидаги ўрнини янги-ча белгилаш имконини беради.

Ўзбекистон филология фани янги асар билан бойиди. А. С. Пушкин номидаги Тил

(ЎЗАТГ)

УФҚЛАР КЕНГ, ЧАРОҒОН

Янги йил беҳисоб шодликлар, зафар байрамлари, оила қувончлари, тўй-томошалар

ективлари ҳиссаси катта бўл-
ди.

он киловатт-соат электр қисқартиришга ва ишларни
я ҳосил қилинади. сифатини оширишга эриши

Абдурауф ҚОРЖОВОВ.

• Пиру бадавлатларимиз

БОР БЎЛИНГ, БОБО!

Бу табарруқ отахоннинг яшган ўмири ҳам, юрт фарзанди сифатида қилган ишлари ҳам ҳавас қилса эригудек. Косон районидagi «Партия XXII съезди» колхозда истикомат қилувчи кекса тош у бажарган ишлар гувоҳи. Негаки, кекса коммунист, эсл деҳқон фарзанди Рўзи бобо ярим асрдан кўпроқ ўмирини саҳоватли ишларга бағишлаган. Аввало, коллективлаштиришда фаол иштирок этди. Қишлоқда биринчи бўлиб механизаторлик курсида ўқиди ва биринчи бўлиб тракторини бошқарди.

Рўзи бобо элли йилдан бери партия сафида. Ана шу давр мобайнида коммунист деган табарруқ номга муносиб бўлди, шайинга доғ тушмади.

Ҳозир отахон пенсияда. Лекин ҳамон тиниб-тинчимайди. Бой тажрибаси ва фойдали маслаҳатлари билан ҳамиш поқларига нафад бермоқда. Шу бондан табарруқ отахон эл-юрт эъзозиди.

Яқинда ҳамқишлоқлари Рўзи бобо Назаровнинг туғилганига саксон йил, партия аъзолигига элли йил тўлганлигини катта тантана билан нишонладилар. Бу кун эл-юртга сado-қат билан хизмат қилган, ҳар бир эл-юртда олдинги сафда бўлган, мардона ва ҳалол меҳнат билан кўпчилликка ердокли бўлиб қолган Рўзи бобонинг катта тўйи бўлди.

Суратда: ҳамқишлоқлари Рўзи бобо Назаровнинг қизини муборакбод этшмоқда.

Ш. ШАРОПОВ фотоси [ЭТАГ].

Шоҳидон қишлоғидан кейин Тўрақўрғон райони-нинг Наҳор адирликларига бошланади. Чуст районининг Гагарин номи совхозини че-гарасига етганида катта магистралнинг чап томонидаги баланд тепалик кўзга ташланади. Ана шу дўнглик устига қишлоқ ақойиб ман-зара намойиш бўлади.

Наваз мажарасини эс-латувчи ўнгилар тўғрисида қўйилган уй-жой бинолари оқушлар мисоли нигоҳингизни ўзига тортади.

Бир томони пахтазор, бир тарафини Ленин номи совхоз боғларида тўташган Наҳор адирликларининг адолати Шимолий Фарғона каналидан сув олаётган Киров на-сос станцияси бўлиб, у ана шу пахтазорларга охиёёт ет-казиб беради. Лекин уйлар-га тўташиб кетган далалар ақинида бирорта қишлоқ ёки уй қўйилмади. Бу да-лаларда ҳамма узокдан қат-наб ишлайди. Район партия ва совет ташкилотлари шуни назарда тутиб 1985 йилнинг баҳориди бу ерда янги по-сёлка барпо этишни тақдир қилди. Жўйли бу тақдир ҳаммага маъқул тўшди.

Янги қишлоққа Баҳор деб ном берилди. Район колхоз-лараро механизацияланган кўча колоннаси бош пуд-ратчи этиб тайинланди. Даст-лаб 10 та уйини қуриб топ-шириш кўзда тутилди. Иш-қўйилгани кенгайтириш ма-қсадида райондаги 132 ре-монт-қурилиш участкаси, ҳў-жалликлар қишлоқ ком-мунал қурилиш корхонаси янги посёлка бунёдкорлари сафига жалб қилинди. Шу тариқа Баҳор посёлкаси зарбдор қурилиш майдонига айланди. Аввало, посёлкага борадиган йўл асфальтлан-ди. Вақтинчалик вагон-мага-зин уратилиди. Сув келти-рилиди. Хуллас, қурувчилар учун ниямини зарур бўлса, ҳаммаси муҳайё этилди.

Нихоят озиқиб қутилган вақт келди. Дастлабки 5 та уй ўтган йил III кварталда топширилди. Энг аввал қу-рилган уйлар экин майдон-лари Наҳор адирликларига тўташган «Партия XXV съезди», Киров номи, «Ўз-бекистон ССР 50 йиллиги» колхозларининг илгор аъзо-

лари — сувчи Абдурашид Қўрбонов, бригадир Наби-жон Далибоев, колхозчи Алижон Ҳошимжонов, Ўс-монжон Қўлдошев, Жура-мирза Турсуновларга берил-ди.

Уйларнинг бирига кирдик. Бинонинг биринчи қаватида ошхона. Бу ерга газ плита-си ўрнатилганидан ташқари ўзоқ қурилиб қозон ҳам ў-ратилган. Ойдиннинг қунада-лиқ ахтиркидан ташқари тўйлар ва бошқа маросимлар талаблари ҳам эътиборда о-линган. Бир томонда емак-хона, тахтадан қурилган су-

та уй топширилгани қувонч-ли. Бунга қандай эришилди? — Аввало, биз пахта те-римиди мутлақо қатнашма-дик. Бу уйлар колхозчилар-га ўзоқ муддатда ҳақ тўлаш эвазига берилди. Колхоз раҳбарлари уй оладиганлар-ни бизга бйркитиб қўйишди.

Улар ўзларига ақратилган уйларни қуришда қатнашиб, иш сифатини текшириб ту-ришдан ташқари, тегишли материалларнинг вақтида ет-казиб берилишини ҳам, қу-рувчилар ишини ҳам назорат этиб туришди. Бунинг учун албатта улар ҳақ олишди. 40 га яқин колхозчи бизга қў-мақлашиб турди. Бу йил яна 50 та уй топширади. Улар-нинг асосий қисми биринчи кварталда қуриб битказила-ди. Қишки ишлардан бўш колхозчилар ана бизга ердан қўрсатиш истагини билди-ришди.

Азамат бинокорлар беш йиллик пландагидан 500 минг сўмлик, 1985 йилда эса 300 минг сўмлик қури-лиш-монтаж ишларини қўл бажаришди. Мажмуд техни-ка воситаларини самарали

тайёрлаш узели реконструк-ция қилинди. Булар қурилиш материаллари тайёрлаш ҳаж-мини қариб икки баравар кўпайтириш имконини берди. Посёлка қурилишига энг тажрибали бригадалар жалб этилди. Жумладан, Зеран Рамазонов, Исмомил Сатто-ров бошлиқ комплекс бригадалар смена топшириқ-ларини 150 процентдан ба-жаришди. Вақти-вақти билан колоннадаги бошқа бри-гадалар ҳам бу ишга жалб қилинмоқда.

Йилнинг тўртинчи квар-талида пландан ташқари 10

ишлатилиш, қурилиш ишлари-ни ташкил этишни тақомил-лаштириш ҳисобига меҳнат унумдорлиги йил давомида икки процент ўсди. Тежал-ган ресурслар ҳисобидан Ба-ҳор посёлкасида қўшимча 2 уй қуриш имкони тўғилди.

Тўғис посёлканинг ишга тушуши Наҳор адирликлари атрофини ўзлаштиришда, бу жойларни боғ-роғларга ай-лантиришда қўл келлади. 1987 йилга бориб массивда 150 дан ортқ замонавий уй-жой биноси қад ростлайди. Демак, янги посёлкада ма-ншй хизмат объектлари — магазин, боғча, кинотеатр би-нолари қурилишини ҳам тез-лаштириш ҳаётий талаб бў-либ қолди.

— Шу ҳақда нималар дейишнинг мумкин?

— Ишларни яна ҳам жа-даллаштиришимиз керак. Чу-нончи, ўтган йили 3,3 миллион сўмлик ўрнига 3,3 миллион сўмлик қурилиш-монтаж иш-ларини бажардик. Янги йил-да 3,5-4 миллион сўмлик иш бажаришга кучимиз ета-ди. Кичик механизмлардан фойдаланишни янада яхши-лаймиз. Пудратчи ташкилот-лар сувоқ, том ёпиш ва пар-дозлаш ишларини бажаради-лар. Шу ишларни ўзимиз бажарганимизда эди уйларни бундан ҳам тезроқ тиклаган бўлардик. Чунки, айрим ҳо-ларда пудратчиларга қараб ишимизда узил-чирин содир бўлипти.

Назаримизда колонна бош-лиқ ҳақ галини айтиди. Ўқ-тимол, Наманган область «Колхозстрой» трестининг раҳбарлари бунинг бафуржа ўйлаб қўйишар. Аслида бу ишлар амалга ошириш унча қийин эмас. Трестга қарашли 16 ва 62-колонналарнинг том ёпиш, сувоқ ва пардозлаш ишларига ақратилган ма-териаллари Баҳор посёлкаси-да ишлатилиш коллектив ба-лансига ўтказилса бас. Шун-да «Тўрақўрғон Кавкази»даги уйлар қурилиш тағин ҳам жадаллашар ва бу ерда тез-тез ҳовли тўйлари бўлиб турарди.

Ж. ҲОЛҚОСИМОВ,
Ш. ХОЛИМЖОНОВ,
«Совет Ўзбекистони»
маҳсуус мухбирлари.

ЗАФАРЛИ ЯКУНЛАДИК,
ЯХШИ БОШЛАЙМИЗ

НАМАНГАН

ПУХТА ЗАМИН

Съездолди социалистик му-собақасини авж олдириган Уй-чи механизацияланган кўча колоннаси бинокорлари ақо-ийб меҳнат зафарини қўлга ки-риптилар. Йиллик план му-ддатидан олдин бажарилиди. Беш йиллик эса декабрнинг 960 миң сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оши-рилди.

Азамат қурувчилар йигиру-тўқув фабрикаси, мактаб, ко-лхоз шифонахиси, чорвачилик бинолари, дала шипонлари қурилишда намунали меҳнат қилдилар. Объектлар қури-лиш берақт тўғаллигини таъ-минланди. Ютукларда Абду-

ғаффор Жалилов, Салоҳиддин Жалолов, Тўғулмўлат Келдиев, Иззатулла Расулов бошлиқ бригадалар бунёдкорларнинг хиссалари катта бўлди.

— Йилни яхши ақунладик, — деди Абдуғаффор Жалилов. — Ун иккинчи беш йилкининг биринчи йилни ҳам яхши бошлаймиз. Бунга пухта замин ҳозирланди. Колоннаиш ишчи ва хизматчилари йил охиригача 1 миллион сўмликдан зиёд 5 та объектни қуриб битказиш юзасидан олган мажбурийта-рини ҳам бажардилар.

Т. СУЛАЙМОНОВ,
«Совет Ўзбекистони» жа-моатчи мухбири.

АНДИЖОН

ДЕПУТАТ ИБРАТИ

Ўзбекистон ССР Олий Со-вети депутаты Зўҳрахон Қўч-қорова «КПСС XXVII съезди-га — 27 зарбдор ўн кунлик!» ҳа-ракатиди пешқадамлик қилиб, меҳнатда катта ғалабани қўлга киритди. Шахрихон шойи тў-қуш фабрикаси ишчилари кўни кема бу илгор ҳамкасбларини меҳнатда 1989 йилнинг иккин-

чи ярми ҳисобини очганлиги билан табриклидилар. Новатор тўқувчи партия съезди очил-диган кунгача 1990 йил ҳисо-би шайло бўлмайди.

— Бу зафарлар янги беш йилкини ҳам алоо кайфият билан бошлашга имкон бера-ди, — дейди Зўҳрахон.

Х. ҲОЖИМАТОВ.

САМАРҚАНД

КАСБИ ШАЙДОСИ

Иккинчи ўз касбини севса, уни чинакам савнат даражаси-га кўтара олади. Қаштичи Сайёра ана шундай касб шай-доларидан бири. У Самарқанд шаҳридаги «Меҳнат тикувчи-лик бирлашмасида» ўзоқ йил-лардан бери самарали ишлаб келаяпти.

Кучи кема миллий кештичи-лик жонқуяри, савноновчилик анъанаси давомчиси Сайёра Мухаммадқуллова ўз зиммаси-га олган социалистик мажбу-риятини бажарди — беш йил-лик бошидан бери йигирма

йиллик ҳажмидаги ишни адо этди. Шу давр мобайнида 1020 ўрнига 4200 донга зарде-вол ва сўзанага бадийи нақш-лар берди.

— Иш вақтидан унумли фойдаланишим, ишимни алоо даражада билганим, иш куло-лари соз ва кўлайлиги ютуклар омили бўляпти, — дейди Сайё-ра. — Энг муҳими, яхши нати-жалар нобатдаги беш йиллик-нинг ҳам муваффақиятли бош-лаш учун мустақкам замин яратди.

К. ТАЙЛАНОВ.

ЮТУҚЛАР,
РЕЖАЛАР,
ИСТАКЛАР

Янги — 1986 йилга қадим қўйган ҳар қим ҳам беҳтиёр ўйга толади: хўш, ўтган йил қандай ақунланди? Бу йил эса нималарни қўтаймиз? Кўзлаган марраларимизга эриша оламизми? Имконият ва резервларимиз борми?

Мана, бугун шу ўйлар билан бўлиб, кўнглимга анча гаплар келди. Дарвоқе, сов-хозимиз пахтачилик ва бош-қа қишлоқ ҳўжалик экинла-ри агротехникаси талаблари асосида иш юритиб, йил са-йин белгиланган марраларга эришиб келмоқда. Тўпроқ структурасини яхшилаш, те-кислаш, шўр ювиш, озиклан-тириш, алмашалаб экин о-сир-асорларини чуқур ўргат-моқдалар. Илганларимиз босамизда кетмаляпти. Ҳўжа-лигимиз пахта ва бошқа қи-шлоқ ҳўжалик маҳсулотлари тайёрлаш план топшириқла-рини муттасил ошириб ба-жармоқда. Ўн биринчи беш йилликда пландаги 21 минг 862 тонна ўрнига 29 минг 140 тонна пахта етказиб бер-дик. Ўтган 1985 йилда ма-жмуд 2200 гектар майдондан 6000 тонна пахта топширдик. Бу ҳам пландагидан 1410 тонна кўп. Ҳар гектар ердан олинган ҳўсил ўртача 28 центнерга тўғри келди.

Қ. Нўшиев бошлиқ Жданов номи, Ж. Жумаев бошлиқ «Қорақалпоғистон АССР 40 йиллиги» бўлимида 40 кўрсаткич 29 центнерни, Б. Абдиев, М. Уталиев, С. Нўшиев, С. Бўлгенов, Х. Тауенов, С. Холмуратов, Х. Гелдиев раҳбарлик қилган бригадаларда эса 30—32 центнерни ташкил қилди.

Ўзим раҳбарлик қилган бригадаларда ҳар гектар ҳў-собида 30 центнердан ҳўсил олинди. План ва социалистик мажбурийталарни ошириб ба-жаришди. 80 процент ҳўсил «зангори кема»ларда йиғиб олинди. Бригаданиш ерлари-ни ҳайдаш ва текислашда, уларга уруғ экишда, ғўза қатор ораларига ишлов бе-ришда, машинада пахта те-ришда фаол қатнашдик. Ўт-ган йили 350 гектар майдон-даги ғўза қатор ораларига ишлов бердик. Хирмонга 100 тонна атрофида пахта тў-қдим. Айни кунларда эса ко-ллективимиз бир тан, бир жон бўлиб, ўн иккинчи беш йилкининг дастлабки

йилда гектар бошига 40 центнердан ҳўсил кўтариш учун катта тайёргарлик иш-ларини қўчайтириб юборди.

Лекин бу юксак марралар-ни ағаллаш учун ҳали кўп ишлар қилишимиз керак.

Масалан, ҳозир барча экин майдонларимизнинг ҳам мелiorатив ҳолатини яхши, деб бўлмайди. Мажмуд кол-лектор-дренажлар беш-олти йилдан бун тозалангани йўқ. Уларнинг сув ўтнаши қобилияти йил сайин кама-йиб кетаяпти. Планлаштирил-ган турар жой қурилишлари учун гишт, цемент, тахта, бўёқ, мих ва бошқа матери-аллар етишмайпти. Шунинг-ден, йилги-мояйли матери-аллари таъминотида ҳам таққиллик сезиб турибмиз. Ўтган йили планлаштирил-ган 3100 тонна соялар-кадан 1300 тонна-сини олдик, холос. На-тинжада баъзан мажмуд те-хниканинг ҳаммаси ишлат-ган пайда айримлари соялар-га етишмаслигидан тўхтаб қолмоқда. Агар ана шундай камчилик ва нуқсонлар иш-и-си суръатига тўғонақ бўл-маса, коллективимизда қи-шлоқ ҳўжалик маҳсулотлари айнақса, пахта етиштириш баракалорқ бўларди.

Шу кунларда совхозимиз бўлиб ва бригадаларида да-ла ишлари жадал бормоқда. Ариқ-завурлар тозалаб қў-йилган. Қишлоқ ҳўжалик те-хниканининг барча турлари тўла ремонтдан чиқди. Шўр ювиш ишлари давом этмоқ-да. Бироқ маҳаллий ўғит жамағарида бир оз қийинчи-лик сезилди. Ениги етиш-маслигидан 30 дан кўпроқ трактор ва телекранларимиз тўхтаб қолди. Истардикни, янги йилда йилги моляш-таъминотида тегишли та-шкилотлар амалий ердан кў-рсатиса!

КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съездининг муносиб кутиб олинган бел боғлаган сов-хозимиз пахтакорлари, меҳна-ткорлари, янги йилнинг даст-лабки меҳнат кунларини зарбдор вахтага айлантириш-га сўз берган.

Бозорқў ХўЖАМЕТОВА,
Шуманай районидagi Га-гарин номи совхоз бригада бошлиғи.

ДОН—РИЗҚ—РЎЗИМИЗ

Кейинги йилларда колхоз-имизда алмашалаб экишга катта эътибор берилмоқда. Бу пахта ва бошқа қишлоқ ҳўжалик экинлари ҳўсидор-лигини, чорвачилик рента-беллигини оширишга кенг имкон берапти. Жумладан, ҳўжалигимизда сўнгги беш йилликда давлатга 4438 тон-на ўрнига 5 минг 7 тонна дон топширилди. О. Эгамбер-диев, О. Зокиров, М. Набиев каби илгор гапкорлар ҳар гектар ердан 42 центнердан бошқиб до, 60 центнердан маккажўхори дони олдидар.

Янги — 1986 йил режа-ларимиз ҳам катта. Мамла-кат Озик-овкат программаси-нинг муваффақиятли бажари-лишига муносиб ҳисса қў-йишга аҳд қилган коллекти-вимиз 43 центер ерга кузга

бошоқли дон экиб, уни қў-қартириб олдидар. Яна 64 гектар ерга дон учун макка-жўхори экамиз. Мақсадимиз — ана шу майдонлардаги экинлардан 45 центнердан галла ва камида 80 цент-нердан маккажўхори дони етиштириш.

Дон — ризқи-рўзимиз. Уни қўпайтириш биз — га-лакорлардан активроқ ва унумлироқ ишлашни талаб қилади. Бригаданиш ақли бунинг чуқур ҳис этиб, қишки агротехника ишларини қиз-гин давом эттирмоқдалар.

Иброҳим ЗОКИРОВ,
Тўрақўрғон районидagi «Ўзбекистон» колхозни дон-чилик бригадаси бошлиғи,
Ўзбекистон Ленин комсо-молни мукофоти лауреати.

РЕМОНТ ТУГАЛЛАНДИ

Норин район механизатор-лари, инженер-техник мута-хассислари, агросаноат ком-плекси ҳодимлари катта мува-фақиятни қўлга киритдилар. Янги йил арасидаги трактор-лар ва қишлоқ ҳўжалиги техникаси тўла ремонтдан чиқарилиди. 835 ҳайдов ва бошқа тракторлар, 201 та пахта ҳама маккажўхори се-ялкалари, 789 та борона ва бошқа барча турдаги техни-

ка ҳамада трицеплар тайёр-гарлик чизигига териб қў-йилди.

Ремонтни барвақт ва си-фатли тугаллашда районда-ги мажмуд 10 та ҳўжалик, шу жумладан, «Пахтакор», «Победа», Калинин номи, «СССР 50 йиллиги» колхоз-лари коллективлари алоҳида намуна кўрсатдилар.

Р. ИРИСОВ.

ИККИ БОШДАН ЮЗ БОШГА

Бағдод районидagi «Боль-шевик» колхозининг Ўзбеки-стонда хизмат кўрсатган пахта-кор Абдурахим Икромов бош-чилик қилётган бригадаси азам-матлари мамлакат Озик-овкат программасини бажариш бе-расидаги ташаббуслари билан эл оғзига тўшдилар. Бундан ўн йил илгари бригада меҳ-натда эришган юксак кўрсат-кичлари учун кўча Қизил байроқ ва икки баш қўй би-лан мукофотланган эди. Брига-

да аъзолари ўзaro маслаҳат-лашиб, қўйлар сонини кўпай-тиришга аҳд қилишди ва ко-ллектив ердани ҳўжалиги та-шкил этидилар. Ҳозир шу қўйлар сонини юз бошга етди. Бу давр-инида ҳўжалик 6 баш қорам-ол, 400 га яқин парранда би-лан бойитилди. Ўтган 1985 йил-да ҳўжаликда етиштирилган 3,5 тоннадан зиёд гўшт, 2 тонна-дан ортқ сўт маҳсулотлари, 1,5 минг дон туҳум бригада аъзоларига бўлиб берилди.

Қ. ХОЛБЕКОВ.

ҚУЛАЙЛИКЛАР

● ФАРҒОНА. Олтарик райони марказида стоматоло-гия поликлиникаси биноси қу-риб, фойдаланишга топширил-ди. Медицина шаҳобчасини райондаги 148-механизация-ланган кўча колонна бино-корларни қўриб берди.

● ҚУҚОН. 2 пахта тозалаш заводи яқинда «Оқолтин» чойхонаси, кафе-ресторан, «Ўзлалик» салони ва «Табат

инжолари» магазини Янги йил арасидада фойдаланишга топширилди.

● СИРДАРЕ. Оқолтин рай-ониди шаҳарлараро автомаг-тефон станцияси қишга тў-ширилди. Телефон ағалари уй-дан туриб Итифокимиз ҳамда республиканинг бир қанча шаҳарлари билан алоқа бо-лаш имкониятига эга бўлди-лар.

М. БЎЛТАКОВ.

САМИМИЙ
ҚУТЛОВЛАР

КПСС Марказий Комите-ти, СССР Олий Совети Пре-зидиуми ва Министрлар Со-вети Куба халқининг миллий байрами — Озодлик кўни му-носабати билан Куба Ком-партияси Марказий Комите-тининг биринчи секретари, Куба Республикаси Давлат кенгаши ва Министрлар Со-ветининг Ранси ўртоқ Фи-дель Кастро Русга табрик-нома йўлладилар.

Табриқномада социалистик Куба халқи Ўзининг ре-волюцион байрагини қуч-қувлаб ва байрат-шайлоқта, янги илкорий режалар ва та-рихий оптимизмга тўлиб-тошган ҳолда кутиб олаёт-ганлиги таъкидланди. СССР билан Куба ўртасида соци-алистик интернационализм принципларида асосланган қардошларча дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорлик муно-сабатлари тобора кенгайиб, чуқурлашиб бораётганлиги бизни қувонтиради, дейила-ди телеграммада. Революци-он Куба коммунистлари, барча меҳнаткашлари Ок-тябрь Ватанининг Озодлик ороли билан доимий бир-дамлигига ишончлари қомил бўлиши мумкин.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ
СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Со-вети Президиуми партия ва со-вет органларида ўзоқ йил самарали ишлаганлиги учун Ўзбекистон Компартияси Фар-ғона область комитети ҳузур-дagi партия комиссиясининг ранси ўртоқ Убайдулла Абду-лаевга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ҳо-ди»ми фўрсити унвони берди.

ОЗОДЛИК ОРОЛИНИНГ
ОКЕАН ДАРВОЗАСИ

га қарашли «Владимир Ильич» теплоходининг эки-пани Гавана порти коллек-тивини социалистик мусоба-қига чакирди. Дастлабки меҳнат битими кемани юк-дан бўнатишининг юксак си-фатли бўлишини асосий мақ-сад қилиб қўйган эди. Му-собақачи Озодлик оролига қатновчи совет юк кемалари-нинг 70 проценти ва танкер-ларининг 90 проценти қўшил-ди.

Ҳа, ўн икки йил аввалоқ ҳамкорлигининг бу янги тури портда кемаларни қабул қи-лиш унумдорлиги ва иш си-

фатини ошириш, кемалар-нинг бўш туриб қолишини қисқартириш имконини бе-риши равшан эди. Рақамлар ҳақиқат аҳолини тўлиқ акс эттирмасда, айни пайтда муносабатларининг кенгайи-ш қўламини белгилаб беради. 1985 йил I кварталда му-собақачи асосида иш юрти-либ, пландан ташқари 12 процент юк туширилди. Агар 1984 йилги ўртача бир ой-лик юк тушириш 707 минг тонна бўлган бўлса, ўтган йилга бу кўрсаткич 770 минг тоннага етди.

Шу кунларда икки мамла-

кат транспортлари ҳозир-чи пайтдаги меҳнат баҳси-нини онг олий пақли уч-бўғинли мусобақани жорий этишга киришилган. Улар бу ҳаракатини қардош партия-ларнинг бўлажак анжуман-лари — КПСС XXVII съез-дининг III съезиди бағишлаш-моқда. Бу шаклдаги мусоба-қани биринчи бўлиб амали-ётда Гавана докерлари, «Комсомолец Эстонии» теп-лоходининг деңгизчилари ва Ленинград портининг ишчи-лари қўллаб бошлашди.

...Устиди Совет байроғи

қилираган юк кемаси пор-тага қийналади. Бу кема Нева бўйидаги шаҳар пор-тидан Гаванага келган. Па-лауба устида экипажнинг ва-хадан бўш аъзолари. Улар портдаги ишчиларга қўл сил-киб саломлашди.

— Мен Гаванага биринчи марта келётганим йўқ, — деди «Комсомолец» Забине-тана» теплоходининг капита-ни Павел Васильевич Мари-шев қирғоққа тушиб келар-кан. — Йилда йилга ўрта-мидаги мусобақа конкрет ишларда салмоқли меҳнат ютуқлариди тобора жоизбали муваффақиятларини кўри-б турибмиз. Меҳнат баҳси бизга ва кубалик дўстлари-мизга янада аниқроқ ва са-маралироқ ишлашдан ташқари бир-биримизни яхшироқ биллиб олишда ердан бер-моқда. Ҳар сафар рўпарча-даги уфқда Эль-Морро мағи-н қўйилиши билан ана шу қир-ғоқда бизни муштарақ вази-фалар жингиллаштириб-турган мусобақа иштирокчилари, дўстларимиз кутубхоналарини кўз олдимга келтириб мам-нун бўламиз.

Гавана порти кранчилари-нинг бригадари Натаньел Кастро капитанининг фикрига қўйилди.

Ҳа, ишчиларнинг сўзи худди халқларимиз ўртасида-ги дўстликдек мустаҳкам, — дейди.

Гавана портида яна бир совет кемаси лангар таш-лайди. Бу буюк инқилоб бе-шиги — Ленин шаҳридан келган кема. Ҳадемай юк кў-тариш кранларининг кўкка бўй чўзган миноралари ҳара-катта келди, кемадан зори-қиб кутилган юкларни туши-ра бошлади. Бир оз вақт ўтиб, кема ана олис сафарга равона бўлди.

А. КОРЗИН,
АПН маҳсуус мухбири.

Суратда: Озодлик ороли портининг кўришми.

Г. Надейкин ф

